


З.С. АБДУЛЛАЕВ

ЕР РЕСУРСЛАРИ ҚИЙМАТИНИ
БАҲОЛАШНИНГ АХБОРОТ
ТАЪМИНОТИ АСОСЛАРИ



«Фан»

Монографияда ер ресурслари қийматини баҳолаш усуллари ва уларнинг ахборот таъминоти тизимини яратиш муаммолари ўрганилган. Ер қийматиға таъсир этувчи омиллар, баҳолаш мақсадлари ва объектлари таҳлил қилинган. Ер участкалари қийматини баҳолаш усуллари тавсия этилган.

Ер қийматини баҳолашда қўлланиладиган ёндашувлар ва усулларға мос ахборотлар базасини шакллантириш, уни автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқишнинг концептуал қондалари асосланган.

Ушбу монография ер ресурсларини бошқарув органлари, баҳоловчи ташкилотлар мутахассислари, илмий ходимлар, аспирантлар, магистр ва олий ўқув юртлари юқори курс талабаларига ҳамда баҳолаш ишлари билан қизиқувчи кенг китобхонларға мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Ю.ХОДИЕВ

Тақризчилар:

иқтисод фанлари доктори, профессор Н.М. МАҲМУДОВ
иқтисод фанлари доктори, профессор Ў.П. УМУРЗОҚОВ

ISBN 978-9943-09-640-0

© Ўзбекистон Республикаси
ФА «Фан» нашриёти, 2008 йил.

КИРИШ

Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ва босқичма-босқич ислоҳ қилиниши, хўжалик юретишнинг бозор механизмлари кенг жорий этилиши ва ривожланиши жамият фаолиятининг барча янги соҳаларини қамраб олмақда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ва давлат билан иқтисодий муносабатлари такомиллашмоқда. Шу билан бирга умумхалқ бойлиги бўлган ердан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари такомиллашиб, уларни мақсадли, самарали ишлатиш йўналишлари кенгаймоқда. Ер ижара механизмлари орқали бозор айланмасига киритилмоқда. Бундай шароитда ер муносабатларини тартибга солиш учун ер ресурслари қийматини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Қийматга эга бўлган мулк сифатида ер ресурсларининг ўзига хос хусусиятлари улар қийматини баҳолашга алоҳида ёндашув ва усулларни қўллашни талаб қилади. Қийматига бевосита ва билвосита таъсир этувчи омиллар хилма-хиллиги, ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишнинг ўзига хос шакллари, ер қийматини баҳолаш мақсадларининг доираси кенглиги ва бошқалар, баҳолаш ишларини амалга оширишнинг турли ёндашувлари ва усулларини қўллаш имкониятлари, баҳолаш учун зарур бўлган бирламчи ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлатиш ва уларга ишлов беришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни назарда тутати. Шуларни инобатга олганда ер ресурсларининг бозор қийматини аниқлаш учун ер муносабатлари ва баҳога таъсир этувчи зарур маълумотлар ва ахборотларни йиғиш ҳамда улардан фойдаланишнинг ахборот тизимини яратиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Монографияда ер ресурсларининг қийматини баҳолашнинг ахборот билан таъминлаш тизимини яратиш муаммосининг назарий ва амалий масалалари тадқиқ этилган, ер ресурсларидан турли мақсадларда фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда уларни турли ёндашувлар ва усуллар билан баҳолашда зарур бўлган ахборотни йиғиш ва ундан фойдаланиш усуллари баён этилган.

Ушбу китобда ер ресурслари қийматини баҳолаш ахборот базасини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини ўрганиш, шу жумладан, Ўзбекистон Республика-